




# BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI



Научный вестник Бухарского государственного университета  
Scientific reports of Bukhara State University

5/2022

5/2022



E-ISSN 2181-1466  
9 772181 146004



ISSN 2181-6875  
9 772181 687004

@buxdu\_uz

@buxdu1

@buxdu1

www.buxdu.uz

**PUBLISHED  
SINCE 2000**  
(Online since 2020)

**PUBLISHED SIX  
TIMES A YEAR**

**2022/5(93)**

**CHAIRMAN OF THE EDITORIAL BOARD:**

**Khamidov O.Kh.**

Doctor of Economics, Professor

**EDITOR-IN-CHIEF:**

**Rasulov T.Kh.**

Doctor of Physics and Mathematics, Docent

**INTERNATIONAL EDITORIAL BOARD:**

**Kuzmichev N.D. (Russia)**

Doctor of Physics and Mathematics, Professor

**Danova M. (Bulgaria)**

Doctor of Philology, Professor

**Margianti SE. (Indonesia)**

Doctor of Economics, Professor

**Wünsch Th. (Germany)**

History of E.Europe Dr. of phil. habil, Professor

**Minin V.V. (Russia)**

Doctor of Chemical Sciences

**Tashkaraev R.A. (Kazakhstan)**

Doctor of Technical Sciences

**Muminov M.E. (Malaysia)**

Candidate of Physics and Mathematics

**Srivastava P.K. (India)**

American and English Literature PhD in English

**NATIONAL EDITORIAL BOARD:**

**Adizov B.R.**

Doctor of Pedagogical sciences, Professor  
(Deputy Editor-in-Chief)

**Abuzalova M.K.**

Doctor of Philological sciences, Professor

**Amonov M.R.**

Doctor of Technical sciences, Professor

**Barotov Sh.R.**

Doctor of Psychological sciences, Professor

**Bakoyeva M.K.**

Doctor of Philological sciences

**Buriyev S.B.**

Doctor of biological sciences, professor

**Djurayev D.R.**

Doctor of Physics and Mathematics, Professor

**Durdiyev D.K.**

Doctor of Physics and Mathematics, Professor

**Olimov Sh.Sh.**

Doctor of Pedagogical sciences, Professor

**Kakhkhorov S.K.**

Doctor of Pedagogical sciences, Professor

**Umarov B.B.**

Doctor of Chemical sciences, Professor

**Urayeva D.S.**

Doctor of Philological sciences, Professor

**Rashidov O.R.**

Doctor of Historical sciences, Docent

**Zaripov G.T.**

Candidate of technical sciences, Docent

**DEPUTY EDITORS-IN-CHIEF:**

**Navruz-zoda B.N.**

Doctor of Economics, Professor

**Turayev H.H.**

Doctor of Historical sciences, Professor

**Juraev N.K.**

Doctor of Political sciences, Professor

**Jumaev R.G.**

PhD in Political sciences, Docent

**Kuvvatova D.Kh.**

Doctor of Philological sciences, Professor

**Akhmedova Sh. N.**

Doctor of Philological sciences, Professor

**SCIENTIFIC REPORTS OF  
BUKHARA STATE  
UNIVERSITY**

\*\*\*

**BUXORO DAVLAT  
UNIVERSITETI ILMIY  
AXBOROTI**

\*\*\*

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК  
БУХАРСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО  
УНИВЕРСИТЕТА**

*The journal is published in the Bukhara  
Regional Department of Press and  
Information of the Press and Information  
Agency of Uzbekistan on August 24, 2020  
With registered certificate № 1103*

*The journal "Scientific reports of Bukhara  
state university" is included in the list of  
scientific publications recommended to  
publish the main scientific results of  
doctoral dissertations of the Higher  
Attestation Commission under the  
Cabinet of Ministers of the Republic of  
Uzbekistan on philology and physical and  
mathematical sciences.*

*The journal is intended for professors  
and teachers of higher educational  
institutions, senior researchers, students,  
scientific staff of scientific research  
institutions, teachers of academic  
lyceums, professional colleges, as well as  
researchers in general secondary  
education and various fields.*

**Founder: BUKHARA STATE  
UNIVERSITY**

**Executive secretary:**

**Sayfullaeva N.Z.**

**Doctor of Philosophy in  
Pedagogical Sciences (PhD)**

**Editor: Sobirova Z.R.**

**Department technicians:**

**Shirinova M.Sh.**

**Raximova S.M.**

## MUNDARIJA

<b>EXACT AND NATURAL SCIENCES</b>		
<b>Khujayev L.Kh.</b>	Nonlinear inverse problems for the system of poroelasticity equations	3
<b>Raxmatova N.J.</b>	Analysis of the 1D fractional diffusion equation with initial-boundary problem	16
<b>Hasanov I. G.</b>	Structural changes in agriculture: problems of modernization and ways of solvation	22
<b>LINGUISTICS</b>		
<b>Юлдашева Д.Н.</b>	Ўзбек тилининг софлигини сақлашга масъулмиз	27
<b>Irgasheva F.B.</b>	Lingvokulturologiyaning tarixiy bosqichlari va ijtimoiy-madaniy o'ziga xosliklari	31
<b>Norova M.F.</b>	Phonopragmatic characteristics of apocope	35
<b>Ruzieva M. Kh.</b>	Clinical features of the human linguistic system	38
<b>Sirojova Z.N.</b>	Ingliz tilidagi qo'shma gaplarda sintaktik munosabatlar sinkretizmining funksional tadqiqi	43
<b>Subxonova M.O.</b>	Lingvomadaniy birliklarning do'stlik haqidagi ingliz va o'zbek maqollarida ifodalanishi	48
<b>Sulaymanova M.Sh.</b>	The role of national values in teaching the native language	52
<b>Xamdamova G.X.</b>	Maqollarning nominativ-semantik xususiyatlari	57
<b>Xojiyeva M.Y.</b>	Shaxs semali leksemalar valentligi va so'z birikmasi	61
<b>Yokubova Sh.Y.</b>	Poetik nutqda metaforik birikmalar	65
<b>Зиёдуллаев А.Р.</b>	Эпонимларнинг мавзуй таснифи	70
<b>Наширова Ш.Б.</b>	Инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча луғатлар учун кўп маъноли сўзларни танлаш мезонлари	75
<b>Рўзиев Я.Б.</b>	Ўзбек тилида биринчи тур ўзлаштирмалик ва гап	80
<b>Salixova N.N.</b>	Ingliz va o'zbek tillarida qo'llaniladigan undovlarning ma'no turlari	86
<b>Safarova M.Z.</b>	Etnonimiyaning o'rganilishi	90
<b>Tўраева Д.М.</b>	Пунктуацияда меъёр ва янгича аъъаналарнинг пайдо бўлиши	98

# Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигига 33 йил тўлди

## ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ СОФЛИГИНИ САҚЛАШГА МАСЪУЛМИЗ

*Юлдашева Дилором Нигматовна*  
*Бухоро давлат университети профессори*

Бугунги кунга келиб *тил* каломининг сифатловчиси сифатида *она* сўзининг танланиши ва онаю тил алфозлари муштараклик касб этиб она тилимизнинг пайдо бўлганлигини; оналарни яратувчи, инсон зотининг ер юзида мавжуд бўлишини таъминловчи зот сифатида қай даражада ардоқласак, миллат маънавиятининг кўзгуси бўлмиш она тилимизни ҳам асраб авайлаш, бу учун ҳамиша ҳаракатда бўлишимиз зарурлиги ҳар биримизнинг энг олий бурчларимиздан бири эканлигини англаб етдик. Бу борада ҳукумат томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар, тилимиз давлат тили мақомига эришган кунни «Ўзбек тили байрами» деб эътироф этилиши, асосийси, амалий фаолиятнинг жонланиши кишини қувонтиради. (Зеро, бу ҳаракатлар уммондан томчи, холос. Қачонки, ҳар биримиз қаерда, қандай шароитда бўлмайлик, она тилимизга «ўқрайган кўзларни ўйиб олиш» даражасида тилпарвар бўлмас эканмиз, ҳар қандай расмий қоғозлар расмиятлигича қолаверади.)

Тилимизнинг оналаримиздай муқаддас, туғилган заминимиздек улуғ, тинч ҳаётимиз каби тотли эканлигини; ўзбекнинг «биз»лигини таъминловчи тириклик, аждодларимиздан етиб келган мағзи тўқ маънавий меърослигини, уни авлодларга (ғорат қилмасдан) бор таровати, имконияти, залвари билан етказиш зарурлигини миллат онгига сингдириш жуда-жуда муҳим.

Хўш, бу машаққатли ишни ким бажаради? Ким ва кимлар ўзлигидан кечиб бу заҳматга бел боғлайди? Албатта, ҳаммамиз. Аммо халқимизда бир ажиб нақл бор: «Ошпаз кўп бўлса, шўрва ҳам тагига олади». Демак, бу борада тил эгаларининг барига бирдек ишониб қўя қолиш ҳамиша ҳам ўзини оклайвермайди. Ҳар бир касб эгаси «ўз юмуши»ни сидқидилдан бажарсин: халққа, касбига, виждонига хиёнат қилмасин. Яратгандан кўрқиб, бандасидан уялиб иш тутсинки, шунда турмушимиз ўзлигимиз ўзанларида оқади... (Бугун XXI аср одамлари ниҳоятда майдалашиб, очқўзлашиб кетганлигимизни инкор этиб бўлмайди. Афсуски, аксарият ташвишимиз қорин дарди, моддий бойлик гами. Тождор вабо бутун дунёга қутку солган кунларда бу кўпроқ сезилди: хатто хайрия маблағларини ҳам еб кўядиган даражада манқуртлашибди-я, одам зоти...)

Бугун она тилимизга эътиборни оиладан, оналаримиздан бошлаб мактабгача таълим муассасаларида, мактаб таълимида давом эттиришимиз керакки, яна масъулият, асосан, устоз-мураббийларнинг зиммасига тушиши табиий ҳол. (Эслайлик: болалигимизданок оналаримиз, кейин устозларимиз ҳар бир нарсадан маъно ахтаришга ўргатмадиларми?! Тилимиз, дилимиз, қаддимиз уларнинг ўғитларига қараб ростланмадимми?! Она тили ўқитувчимиздек сипо сўзлашни йиллаб машқ қилмадикми?! Устозимиздек ашъорларни ёд ўқишга тиришмадикми?! Ватан, она, мактаб сўзларини эшитганда жон томиримизга қадар энтиқиш туғенини дилимизга муаллиму муаллималаримиз солмадиларми?!)

Зеро, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, миллий мустақилликнинг қўлга киритилиши натижасида давлатнинг расмий тили – ўзбек тилига эътибор кучайди. Она тили таълими олдидаги асосий вазифа ижодий тафаккур соҳибларини етиштириш деб белгиланди. Демак, мустақиллигимиздан олдинги давр мафқурасининг тил сиёсатида доир манфаати – (мактаб болаларига фақат грамматика ўқитилиб миллийликдан чалғитиш; шўронинг “Бўл тайёр!”ига “Доим тайёр!”ларни тарбиялаш) ижтимоий буюртмаси ўз кучини йўқотди.

Миллий истиқлол шарофати билан фарзандларимиз тафакқурини тилшуносликнинг қоюдаю таърифлари билан банд этиш занжирини уздик. Ўқувчиларимиз қўлига тилимизнинг сон-саноксиз имкониятлари калитини топшириш, ўзбекона калом сеҳри, жозибаси, тароватини ҳис этишга ўргатиш замони аллақочон келиб бўлди, қадрли ҳамкасбим. (Энди мактаб партасида ўтирган барча ўқувчидан “тилшунос” тайёрлашга белимизни боғлаган шўро даврининг “сохта белбоғ”идан воз кечмас эканмиз,

болаларимиз мағзи тўқ, данаги қаттиқ тилимизнинг пўст қисмидан лаззат тополмайди. Болаларимизни данакнинг тўқ мағзидан ҳамиша барака топиш бахтидан Мосуво қилмайлик.)

“Мақтабда грамматика ўқитмасак, нимани ўқитамиз?” деган саволнинг жавобини (бугун инглиз тили таълими “илиб кетган” (Инглиз тили таълимида жадидлар қўллаган усулдан фойдаланиляпти. (Натижа эса аъло даражада.) Бунда– миллий характердаги тарбиявий матн берилади ва унга 3та параметрни кўзлаган тошириқ қўйилади: 1) матнни тўғри (хатосиз) ўқий олиш (оғзаки нутқ малакаси); 2) матн мазмунини сўзлаб бериш (англаш, уқиш–тафаккурни ўстириш); 3) матнни ёки матн ҳақида тўғри ёза олиш (ёзма нутқ малакаси) жадид устозларимизнинг ўқитиш усуллари (берилган (ўқувчининг ёшига мос, миллийлик заминига зичланган) тарбиявий матнни мазмунига мос тарзда **ўқий олиш**; ўқиганларини **уқиш** ва мазмунини сўзлаб бера олиш; ҳажман қисқа матнни кенгайтириб ёки ҳажман кенг матнни қисқа тарзда хатосиз **ёзма баён эта олиш**)дан излашимиз жуда ўринли.

“Она тили дарсларида грамматика ўқитишдан мутлақо воз кечамизми?” деган саволнинг жавоби қуйидагича: Мақтаб она тили машғулотида ўқувчиларга 3 турдаги қоидалар сингдирилиши зарур:

1) орфография қоидалари (Бу қоидалар умр бўйи кишининг ёзма саводхонлигини тартибга солиб туради);

2) орфоэпия қоидалари (Бу қоидалар умр бўйи кишининг оғзаки нутқини адабий меъёрларга мослаштириб туради);

3) пунктуация қоидалари (Бу қоидалар умр бўйи кишининг ёзма нутқида нима демоқчилигини кўрсатиб туради).

Қолган барча дарслар амалий характерда бўлиб уларда ўқувчини сўз мантиғини англаш, сўз ва бирикмаларни ўз ўрнида қўллаш олиш малака ва кўникмаларини, шунингдек, шарқона нутқ одобини ўргатиш зарур.

Шунда умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган она тили дарслари ўқувчига тилшунослик асосларини эмас, тилнинг чексиз имкониятларидан фойдаланишни, яъни тилни ўргатади.

Аксариятимизга таниш бир манзара бор. Тонгни қаршилаш туриб телевизор мурувватини бураймиз. Юртимизнинг давлат мадҳияси янграйди. Телелавҳаларда мактаб остонасига қадам қўйган болажонлардан тортиб халқаро аренада ғолибликни қўлга киритган спортчиларимизгача, бободехқону шифокор, ўқитувчию муҳандис, ҳарбий аскарару юрт раҳбаригача қўли кўксидан миллий кўшиғимизга жўр бўлишади. Бу кўпчилигимиз учун оддий ва одатий ҳол. Бироқ эътибор беринг-а, мадҳия бўлиб жаранг сочаётган она тилимиз катгаю кичикнинг юрагига бир хилда ифтихор туйғусини солмоқда. Биласизми нега? Сабабки, тафаккуримиз, шууримиз, қўйинги, бутун борлиғимиз, сийратимиз она тилимиздаги ҳар бир ширин, ҳикматли каломдан маънавий озуқа олади.

Мен тилпарастман. Ўзбекпарастман. Шунинг учун баралла айтаманки, она тилим бетақдор, унинг дунё тиллариаро жозибдорликда қиёси йўқ. Ўзбек тилидек сўзга, иборага, ибрату ҳикматга бой тиллар санокли. Жумладан, тилимизда биргина *соғинмоқ* феъли билан боғлиқ градуал қаторда *ичикмоқ* сўзи ҳам туради ва соғинчдан хатто хаста бўлиб қолиш даражасини ифодалайди. Ёки биргина *йиғламоқ* феълнинг антонимини ўндан ортиқ бирликларда ҳам ижобий, ҳам салбий маъноларда ифодалай оламиз: *жилмаймоқ – кулимсирамоқ – табассум қилмоқ – табассум ҳадя этмоқ – кулмоқ – қаҳ-қаҳламоқ – қаҳқаҳа урмоқ – қаҳқаҳа отмоқ; илжаймоқ – иржаймоқ – тиржаймоқ – иишаймоқ – иршаймоқ – иришангламоқ; оғзининг таноби қочмоқ – оғзи қулоғига етмоқ – ўттиз икки тишини кўрсатмоқ – даҳанини йиғиштиролмастик – оғзи ёпилмайди* каби.

Хўш, айнан *ичикмоқ* сўзини (*соғинмоқ* феълени эмас) дунё тилларига таржима қилиб кўрингчи?! (Рус тилидаги *скучатъ* ёки инглиз тилидаги *get bored* ўзбек тилидаги *соғинмоқ* маъносини беради, холос.) Ёки *кулмоқ* сўзининг йиғирмага яқин муқобили яна қайси тилда учрайди?

Бу сингари ҳамма тилларда ҳам учрайвермайдиган мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Бу фақатгина заррадек кўзга илинмас менинг ифтихорим эмас, туркий тилга “адабий ёдгорлик” ўрната олган бобокалоним Маҳмуд Қошғарийнинг эътирофидир. М.Қошғарий туркий тилларнинг бошқа тиллардан қолишмайдиган жозибасини нозик тарзда очиб берганлигини, унинг мавқеи, мақомини кўтариш масаласида бор маҳоратини ишга солганлигини, бунга умрининг “гул даври”ни бахшида этганлигини яхши биламиз. Ўз даврдаёқ олим “*араб тили билан икки улоқчи отдек тенг пойга қилиб ўзиб бораётган туркий тилни ўрганиш*”ни “*вожиб амал*” деб ёзган эди. Қошғарий мазкур фикрининг тўғрилигини исботлаш учун “ишончли бир бухоролик ва яна нишопурлик бошқа олимдан шундай бир хабар эшитган эдимки, улар бу сўзни пайғамбар (с.а.в.)га нисбат бериб айтган эдилар: “...турк тил (лисон)ини ўрганинг, чунки уларнинг ҳукмронлиги узоқ давом этади. Ҳадиснинг

саҳиҳ ёки саҳиҳ эмаслигининг жавобгарлиги айтган кишилар гарданига. Агар тўғри бўлса, турк тилини ўрганиш вожиб (зарур)дир”, деган далилни келтиради ва фикрини давом эттириб бу масалада катъий хулоса қилади: “ҳадис тўғри бўлмаган тақдирда ҳам, уни ўрганиш зарурлигини ақл тақозо қилади”.

Шундай экан, мен ҳам борлигимга она алласи бўлиб кирган, ақли ҳушимнинг (бир инсонга хос) тетапоясидан камолотига қадар мени етказган, шодлигимда энтикиб, ютуқларимда ардоқлаган, туйғуларимни қулоғимга шивирлаб, қайғуларимда тўкилиб ўғит берган онажон тилимдан нега ифтихор этмай...

Ўзбек тилим жаҳон минбарида ҳам янгради! Бугун бизни, тилимизни, элимизни дунё тан олаётганининг ёрқин исботи эди– бу! Аждодларимиз Маҳмуд Қошғарий, Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, хожа Аҳмад Яссавий, ҳазрат Алишер Навоий, шоҳ ва шоир Заҳириддин Бобур, “туркийларга туркона айтган” Абулғози Баҳодирхон, Мунис, Фурқат, Муқимий, Аваз Ўтар, Комил Хоразмий, Фитрат, Чўлпон, Боту, Абдулла Қодирий сингари минг-минглаб тилдошларимиз руҳи олдида юзи ёруғликка юз тутта бошладик. Хайрли ишларимиз бардавом бўлсин...

“Тил – миллат қалби. Тил бор – миллат яшайди. Шундай экан, миллатини севган ҳар бир инсон тилининг тақдирига бепарво қараб туролмайди”, деймиз, минг афсуски, бепарво қараб тураверамиз. Фикримизни қуйидагилар далиллайди:

- кейинги бир-бир ярим йил ичида *сартарошхона*ларимиз (аниқроғи, эркақлар сартарошхоналари) *барбершон* (barbershop)га, *сартарош* бирлиги *барбер* (barber)га айланди (барбер Салим, барбер Фарҳод деган ёзувларга ҳар куни кўзимиз тушяпти – узоғи билан борса, энса қотириб ўтиб кетяпмиз, холос);

- янгидан очилаётган маиший савдо шаҳобчаларидан тортиб каттароқ тижорат дўконларигача «Мы скоро откроемся» ёки эндига очилганлари «Мы открылся» деб ёзган эълонлари биз учун табиий ҳолга айланиб қолди;

- емақхоналаримизнинг пештоқларидаги “Лавитта”, “Кусок”, “Голубые купола”, “Шафран”; маиший хизмат жойларидаги “Мэри”, “Куколка”, “Барби”, “Сюзанна”, “Багира” каби номлар бизни ташвишлантirmаяпти ва ҳ. Зотан, Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг 20-моддасида «Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин» деб аниқ ёзиб қўйилган.

Тил – уммон. У шевалардан, бошқа тиллардан оқиб келган жилғалар ҳисобига тўлиб-тошиб туради. Шунинг учун тилнинг луғат таркиби очик система дейилади. Жамият тараққиётида янги-янги тушунчаларнинг дунёга келиши билан тилда уларнинг номлари ҳам пайдо бўлади. Ёки бир нарсанинг турфа номлари майдонга келиб, ифода имкониятларини кенгайтиради. Аммо бу ўз тилингда борини топтаб “хўрозқанд четники экан” деса, “ётиб ялаш керак” дегани эмас!

Ҳазрат мир Алишер Навоий сўзни дуру гавҳарга, сўзловчини гаввосга қиёслайди. Сўз дурига нотик сайқал беради ва нотикнинг маҳорати билан сўз жилваланиш қобилиятини намоён этади, деб таърифласа, сўз латофатини юракдан ҳис этган халқ шоири Эркин Воҳидов сўзни забаржад, гавҳар, олтинга, шоирни заргарга қиёслайди. Заргар олтинни хавас билан кафтига олиб, ундан машаққатли меҳнати орқали гўзаллик яратса, шоирлар сўзга меҳр қўйгандагина, таъсирчан мисралар ярата олишини айтади.

“Она тилимни севмасам, сўзларига маҳлиё бўлмасам, ҳайратланмасам менга шоирлик қайда эди!” деганда шоир ҳақ!

Манбаларда луғат бойлиги жиҳатидан рўйхатларнинг олд қаторидан уч ярим миллиондан ортик лексик бирлиги билан араб тили, икки ярим миллиондан ошиқ сўзи билан инглиз тили ўрин эгаллайди. Ўзбек мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, адабий тилимизга сўз танлашда “ҳасис”лик қилмасликни инглизлардан ўргансак (инглизларнинг луғатларидан маҳаллий шева сўзлари ҳам деярли тўлиқ ўрин эгаллаган), ўзбек тилининг сўз ва иборалари (шева ва адабий тил, касб-ҳунар сўзлари ва атамалар, эскирган ва янги пайдо бўлган сўзлар) замону макон нуқтаи назаридан чекланмай йиғилса, дунёда энг кўп сўзли луғатлардан ҳам каттароқ луғат тузишимиз мумкин экан. Ўзбек тилининг бошқа тил қолипларига тушмайдиган, ўзига хос ривожланиш йўллари мавжудки, бу унинг ҳар куни (баъзан ҳар соату дақиқада) бойиб боришини таъминлайди.

Она тилимизнинг софлигини сақлаш, талаффуз меъёрларидаги чалкашликларга барҳам бериш ва унинг таълими борасида бажаришимиз зарур бўлган ишлар, эгаллашимиз зарур бўлган билим, малака, кўникмалар бисёр. Она тилимизга эътибор учун ҳар биримиз масъулмиз, унинг таълими замирида ҳам шу масъулиятни кучайтириш вазифаси туради. “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинганлигига 33 йил тўляпти. Мутахассисларимиз ўтган йиллар давомида тилимизнинг

мавқеини орттириш учун кам ҳаракат қилдик, дейишяпти; бу борадаги камчиликларни санаб ўтишяпти; ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги мақомини ошириш учун қилиниши лозим бўлган ишларни таклиф қилишяпти. Бу яхши. Аммо статистик таҳлил шуни кўрсатади: ўзбек тили шу давр ичида мақомини тиклади. Қонун ўз вазифасини бажарди. Қонунни янада мукаммаллаштириш вақти келди. Қонунни қайта ишлаш жараёнида давлат тилини қўллашга қатъий талаб қўйиш, уни бошқа давлатларнинг давлат тили ҳақидаги қонуни билан солиштириш, ижобий томонларидан намуна олиш вақти аллақачон етган. Бугун ўзбек тилининг давлат тили мақомини янада кучайтириш ҳақида бош қотиришимиз, бу йўлда собитқадамлик билан амалий ишлар қилишимиз керак.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида” Фармони қабул қилинган тил сиёсати борасидаги ишлар сезиларли даражада амалга оша бошлади. Демак, юртимизда миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг қўламли ишларни амалга ошириш учун расмий дадил қадам ташланди. (Бу ажодларга армон бўлган орзуларнинг рўёби; юксак шараф, улуғ эътироф намунасидир.)

Ўйлаймизки, бу Янги Ўзбекистонда истиқлолнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий кадриятларимизни асраш борасида халқимиз, ажодларимиз улуғлаган йўлни оғишмай давом эттиришимизда ҳуқуқий асос бўлиб қолади. Зеро, бугун биз қалбан, маънан, руҳан, сийрату суратан ўзбек деган номга муносиб бўлиб яшашга тўла ҳақлимиз.